

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАМАЖОНОВ УМИДЖОН ШОКИРОВИЧ**

**ГИРШПРУНГ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ХИРУРГИК  
ДАВОЛАШНИНГ ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамажонов Умиджон Шокирович**

Гиршпрунг касаллиги билан хасталанган болаларни жарроҳлик даволашнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш..... 3

**Мамажонов Умиджон Шокирович**

Совершенствование технических аспектов хирургического лечения детей с болезнью Гиршпрунга..... 29

**Mamajonov Umidjon Shokirovich**

Improving the technical aspects of surgical treatment of children with Hirschsprung's disease..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАМАЖОНОВ УМИДЖОН ШОКИРОВИЧ**

**ГИРШПРУНГ КАСАЛЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ХИРУРГИК  
ДАВОЛАШНИНГ ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib2324 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Эргашев Бахтиёр Бердалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Теребаев Билим Алдамуратович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: [adti-361@umail.uz](mailto:adti-361@umail.uz))

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон ш., Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мадазимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси “Туғма нуқсонлар” га бағишланган резолюциясига кўра «...кўплаб сабаблар ва туғма касалликлар детерминантлари билан бир қаторда туғма ривожланиш нуқсонлари неонатал даврда яшаб қолган болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда...»<sup>1</sup>. Туғма нуқсонларни олдини олиш Миллий тармоғи (CDC)<sup>2</sup> ва Европа ноёб ирсий ва туғма аномалиялар бўйича ахборот тармоғи (ERNICA) маълумотларига кўра дунё бўйича туғма ривожланиш нуқсонлари таркибида Гиршпрунг касаллиги (ГК) тахминан 1:5000 нисбатда учрайди. Кўп ҳолларда ушбу патологиянинг белгилари неонатал ёки эрта гўдаклик пайтидаёқ намоён бўлади. Жаҳонда болалар хирургиясининг замонавий ривожланиш босқичида ГК да кўплаб хирургик усуллар таклиф қилинган, хусусан, ҳозирги пайтда йўғон ичакнинг аганглионар қисми трансанал резекцияси дунё бўйича энг кўп қўлланилаётган операция бўлиб. Ўз вақтида бажарилган хирургик даволаш усуллари функционал ич келишининг меърлашувини таъминлай олса-да, ГК бўлган болаларнинг маълум қисмида турли асоратлар ривожланади. Операциядан кейинги даврда 53% беморларда обструктив симптомларнинг бўлиши, 37% гача беморлар энтероколитдан азият чекиши, 7,5% болаларда вазн кўшилмаслиги, 48% болаларда нажас тута олмаслик кузатилиши ва охир оқибатда, уларнинг узок муддатли ҳаёт сифатига салбий таъсир қилиши ГК бор болаларда касалликни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг долзарб масалалардан бири эканлигини белгилайди. Шу туфайли, ГК ташхисланган болаларда операция усули ва реабилитацион даволаш-профилактик дастурларни танлашга оқилона ёндошув йўллари тақомиллаштириш муаммоси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда Гиршпрунг касаллигини генетик табиатига кўра, шунингдек касалликнинг асоратли кечишида сабаб-оқибатлараро боғлиқликни инобатга олган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, хусусан, ичак моторикасини бошқаришда ичак микробиотасининг аҳамияти ва ичак транзити тезлигини бошқаришда пробиотиклар қўллашнинг имкониятлари таҳлил қилинмоқда, ГК ташхисотини осонлаштириш ва объективлаштириш учун сунъий интеллект ёрдамида холинергик гипериннервацияни дастурий идентификациялаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичи даволаш ва хирургик тактиканинг илғор технологияларини жорий этиш орқали Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларни ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чораларни ўз ичига олади. Янги

<sup>1</sup>Birth defects surveillance: a manual for programme managers, second edition. Geneva: WHO; 2020.

<sup>2</sup>National Center on Birth Defects and Developmental Disabilities. Atlanta, Georgia, U.S: Centers for Disease Control and Prevention (CDC 24/7); 2022.

Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак трансанал резекциясини бажаришнинг техник жихатларини такомиллаштириш йўли билан хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ушбу патологиянинг юқори клиник аҳамияти сабаб болалар хирургиясининг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаммонинг узоқ муддат мобайнида ўрганилишига қарамасдан, тадқиқотчилар орасида ГК ривожланишининг эмбриогенетик механизмлари<sup>4,5</sup>, хирургик даволашнинг оптимал муддатлари ва усуллари<sup>6</sup>, шунингдек, операциядан кейинги олиб бориш тамойиллари бўйича ҳанузгача мунозаралар мавжуд<sup>7</sup>. Замонавий жарроҳликда ГК ни даволаш тактикасида асосан учта тамойили белгиланган - аганглионар соҳа резекцияси билан эрта радикал аралашув, вақтинчалик колостома ўрнатиш ва радикал ташриҳни кечиктириш, радикал ташриҳнинг мақсадга мувофиқлигига ишонч ҳосил бўлгунга қадар қабзятни консерватив даволаш<sup>8</sup>. 1998 йилда Де ла Торре-Мондрагон йўғон ичакни бир босқичли трансанал тушириш деб номланувчи янги даволаш усулини таклиф қилди ва бу

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>4</sup>Hei Ha JL, Hang Lui VC, Hang Tam PK. Embryology and anatomy of Hirschsprung disease. *Semin Pediatr Surg.* 2022 Dec;31(6):151227. doi: 10.1016/j.sempedsurg.2022.151227.

<sup>5</sup>Tang CS, Karim A, Zhong Y, Chung PH, Tam PK. Genetics of Hirschsprung's disease. *Pediatr Surg Int.* 2023 Feb 7;39(1):104. doi: 10.1007/s00383-022-05358-x;

<sup>6</sup>Celtik U, Yavuz I, Ergün O. Transanal endorectal or transabdominal pull-through for Hirschsprung's disease; which is better? A systematic review and meta-analysis. *Pediatr Surg Int.* 2023 Jan 24;39(1):89. doi:10.1007/s00383-023-05378-1.

<sup>7</sup>Violani C, Grano C, Fernandes M, Prato AP, Feitz WFJ, Wijnen R, Battye M, Schwarzer N, Lemli A, Cavalieri D, Aminoff D. The Transition of Care for Patients with Anorectal Malformations and Hirschsprung Disease: A European Survey. *Eur J Pediatr Surg.* 2023 Jun;33(3):191-197. doi: 10.1055/s-0042-1749212.

<sup>8</sup>Bokova E, Prasade N, Janumpally S, Rosen JM et al. State of the Art Bowel Management for Pediatric Colorectal Problems: Hirschsprung Disease. *Children (Basel).* 2023 Aug 20;10(8):1418. doi: 10.3390/children10081418.

усул хозирги вақтда дунё бўйича ГК ни даволаш учун энг кўп қўлланиладиган операциялардан бири хисобланади<sup>9</sup>. Охирги ўн йилликда мазкур усул баъзи техник ўзгаришларга учраган. Аммо, аввалгидай, ушбу аралашувлар функционал натижаларнинг қайтмас салбий ўзгаришлари ва ҳаёт сифатининг ёмонлашувига олиб келувчи кўплаб асоратлар билан боғлиқ<sup>10</sup>. Энг оммалашган аралашувлардан бўлиб Soave ва Swenson ларнинг трансанал усуллари хисобланади. Операциянинг ушбу турлари ва улар модификацияларининг тадбиқ қилиниши ривожланган давлатларда госпитализация муддатлари ва операциядан кейинги асоратлар сонининг камайишига олиб келганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>11</sup>. Бироқ, хатто ушбу усуллар қўлланилганда ҳам турли асоратлар ривожланиш хавфи сақланиб қолмоқда. Zhang J. ва ҳаммуаллифлар маълумотиغا кўра ичакнинг функционал асоратлари Soave операциясидан сўнг 30%, Swenson операциясидан кейин эса 33,3% беморларда кузатилган, икки йилгача бўлган муддатда ушбу кўрсаткич мос равишда 10% ва 11,1% гача, 5 йилга келиб эса 5% ва 0% гача камайган<sup>12</sup>.

Охирги вақтларда ГК да лапароскопик усулларни қўллаш кенг кўламда татбиқ қилинмоқда<sup>13</sup>. Бироқ, анъанавий аралашувларда бўлгани каби ушбу операциялар ҳам қабзият (7,1-22,2%) ва инфекцияланиш (8,9-14,8%) каби операциядан кейинги асоратлар ривожланиши билан тавсифланади. Шунинг учун ГК ни даволаш учун хирургик усулларни танлашда операциядан кейинги турли асоратлар профилактика масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Анастомоз нотўғунлиги операциядан кейинги эрта даврдаги жиддий асорат бўлиб, у 0-1,5% беморларда учраса, анастомоз стриктураси 4-17% ва жароҳатнинг инфекцияланиши 1,3% ҳолларда юз беради<sup>14</sup>. Бундай омиллардан яна бири энтероколит ривожланиши бўлиб, бу ичак микробларининг камайиши, энтеробактериялар миқдорининг ортиши билан боғлиқдир, бу эса ГК нинг ҳаёт учун хавфли асоратларидан хисобланади<sup>15</sup>. ГК бор беморларда операциядан кейинги энтероколит ва ичакнинг функционал бузилишлари патофизиологияси охиригача ўрганилмаган, бироқ, яқинда ичак микробиотасининг ҳамроҳ бузилишлари тўғрисида янги маълумотлар чоп этилган<sup>16</sup>. Охирги пайтларда ичак саломатлигини қувватлаб туришда муҳим

<sup>9</sup>Zhang Y, Liu Z, Li S, Yang S, Zhao J et al. One-stage transanal endorectal pull-through for Hirschsprung disease: experience with 229 neonates. *Pediatr Surg Int.* 2022 Nov;38(11):1533-1540. doi: 10.1007/s00383-022-05198-9.

<sup>10</sup>Oltean I, Hayawi L, Larocca V, Bijelić V et al, Beveridge E, Kaur M, Grandpierre V, Kanyinda J, Nasr A. Quality of life outcomes in children after surgery for Hirschsprung disease and anorectal malformations: a systematic review and meta-analysis. *World J Pediatr Surg.* 2022 Nov 10;5(4):e000447. doi: 10.1136/wjps-2022-000447.

<sup>11</sup>Mattioli G, Louisma O, Wong MC et al. Non-standard approach to infants and children with megacolon: laparotomy and endorectal pull-through for diagnosis and treatment in difficult countries with low resources in a non-profit setting: return to the past Soave's ERPT. *Minerva Pediatr.* 2023 Aug;75(4):576-582. doi:10.23736/S2724-5276.19.05487-2.

<sup>12</sup>Zhang J, Ma T, Peng Y, Huang G, Liu F. A 5-year follow-up study of neonates with Hirschsprung's disease undergoing transanal Soave or Swenson surgery. *Patient Prefer Adherence.* 2017;11:1957-1961. Published 2017 Nov 29.

<sup>13</sup>Bawazir OA. Laparoscopic-Assisted Transanal Pull-Through in Hirschsprung Disease: Does Laparoscopic Dissection Minimize Anal Overstretching? *J Laparoendosc Adv Surg Tech A.* 2020 Mar;30(3):338-343 doi:10.1089/lap.2019.0524.

<sup>14</sup>Hoff N, Wester T, Granström AL. Classification of short-term complications after transanal endorectal pullthrough for Hirschsprung's disease using the Clavien-Dindo-grading system. *Pediatr Surg Int.* 2019;35(11):1239-1243.

<sup>15</sup>Gershon EM, Rodriguez L, Arbizu RA. Hirschsprung's disease associated enterocolitis: A comprehensive review. *World J Clin Pediatr.* 2023 Jun 9;12(3):68-76. doi: 10.5409/wjcp.v12.i3.68.

<sup>16</sup>Neuvonen MI, Korpela K, Kyrklund K, Salonen A, de Vos W, Rintala RJ, Pakarinen MP. Intestinal Microbiota in Hirschsprung Disease. *J Pediatr Gastroenterol Nutr.* 2018 Nov;67(5):594-600. doi: 10.1097/MPG.0000000000001999

аҳамият касб этувчи, ичак транзити тезлигини бошқариш ва ичак микробиоценози мувозанатини сақлаб туриш учун пробиотиклар самарадорлиги бўйича тадқиқотлар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, ГК да хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатлари замонавий болалар хирургиясининг долзарб ва охиригича ўз ечимини топмаган муаммолардан биридир. Шунинг учун мазкур патологияда операциядан кейинги функционал ва органик асоратлар даражасини камайтириш, хаёт сифатини яхшилаш мақсадида хирургик тактикани такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилаш тадқиқот учун устувор йўналишлар қаторида қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 19600714-сон «Болаларда туғма нуқсонлар диагностикаси ва хирургик даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволаш натижаларини йўғон ичак трансанал резекциясини бажаришнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда Гиршпрунг касаллигида De La Torre-Ortega бўйича йўғон ичак трансанал резекциясини бажаришнинг техник жиҳатларинини такомиллаштириш;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда ташрихдан кейинги эрта асоратларнинг учраш даражаси ва структурасини аниқлаш;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда ташрихнинг функционал натижаларини тадқиқ қилиш;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда ташрихдан кейинги узок муддатдаги натижаларнинг қиёсий таҳлилинини ўтказиш;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда ташрихдан бир йилдан кейинги даврда хаёт сифати кўрсаткичларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2006-2020 йилларда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида (АВБКТТМ) Гиршпрунг касаллиги туфайли даволанган 85 нафар болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ГК бўлган болаларда хирургик даволашдан кейинги функционал ва органик асоратлар структураси ва учраш даражасини таҳлил қилиш, шунингдек De La Torre-Ortega ташрихининг такомиллаштирилган усули афзалликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аганглионар соҳа давомийлигини инобатга олган ҳолда резекцион босқични амалга оширишдан кейин йўғон ичакнинг пастга тушувчи қисми ва

атроф тузилмаларнинг тўғри чизик бўйлаб жойлашган ҳолда колоанал анастомоз шакллантириш фекал инконтиненция ривожланишининг асосий хавф омили эканлиги аниқланган;

тўғри ичак шиллик қавати тишсимон чизигидан қуйида, анал тешикка яқин жойда айланма кесма ўтказиш ва тери-шиллик қаватли колоанал анастомоз қўйиш репаратив жараёнларни тўлиқ визуал назорат қилиш имкониятларини яхшилаши ҳамда анал каналнинг чандиқли стенози шаклланиш хавфини камайтириши исботланган;

болаларда Гиршпрунг касаллигида йўғон ичакни De La Torre-Ortega бўйича трансанал резекция қилишнинг ичак таркибини қисмлаб ўтказиш ва резервуар функцияни таъминлаш учун анастомозланувчи чамбар ичак эркин қисми ва колоанал анастомоз шакллантириш соҳаси топографиясини ўзгартириш билан тавсифланувчи усули такомиллаштирилган;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак микробиоценозининг тузилмавий ва миқдорий хусусиятлари (чуқурлашган дисбактериоз) ҳамда уларнинг комплекс консерватив биотерапия фонида ташрихдан кейинги реабилитация жараёнидаги динамик ўзгаришлари (пробиотикларни қўллаш фонида 4-6 хафтада дисбактериознинг йўқолиши) аниқланган;

Гиршпрунг касаллигида турли усулларда бажарилган йўғон ичак трансанал резекциясидан кейин олинган кўрсаткичларни соғлом болаларга нисбатан ўсиб бориш даражаси ва интенсивлигини инобатга олган ҳолда ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ўзгариш (барча шкалалар бўйича кўрсаткичларнинг ишончли ортиши) хусусиятлари ва клиник-функционал (оғриқсизлантириш давомийлиги, перистальтикани тикланиши, энтерал овқатланишни бошлаш ва беморлар фаоллашиш муддатлари) жиҳатлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чамбар ичак эркин қисмини чок чизигидан юқорида “гофра” шаклида шакллантириш резервуар функцияни ва ичак таркибини қисмлаб ўтказишни таъминлаши, бу эса кейинчалик фекал инконтиненция ривожланишини олдини олиши исботланган;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак трансанал резекциясининг таклиф қилинган модификацияси ҳамда ишлаб чиқилган ташрихдан кейинги реабилитацияга комплекс ёндашув эрта ва кечки даврдаги функционал-органик асоратлар частотасини камайтиришга имкон бериши аниқланган;

Гиршпрунг касаллигини хирургик даволашнинг таклиф қилинган тактик ва техник жиҳатлари болаларни эртароқ тикланишини таъминлаши, стационар даволаниш муддатларини қисқартириши ва қайта анъанавий ёки кам инвазив аралашувлар заруратини камайтириши аниқланган;

Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда ташрихдан кейинги комплекс реабилитация дастурида пробиотикларнинг қўлланилиши йўғон ичак микробиоценозининг тикланиш жараёнларини тезлатишга ва клиник-функционал бузилишлар регрессига ёрдам бериши аниқланган;

ташрихдан бир йилдан кейинги даврда функционаллик даражасини баҳолашнинг барча шкалалари бўйича Гиршпрунг касаллиги аниқланган болалар ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашда йўғон ичак трансанал резекциясининг такомиллаштирилган усулининг афзалликлари исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, болаларда Гиршпрунг касаллигида йўғон ичакни трансанал резекция қилиш, шунингдек, йўғон ичак микробиоценозининг тузилмавий ва миқдорий хусусиятлари ҳамда уларнинг комплекс консерватив биотерапия фонида ташрихдан кейинги реабилитация жараёнидаги динамик ўзгаришлари тамойиллари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак трансанал резекциясининг таклиф қилинган модификацияси билан бирга ташрихдан кейинги реабилитация жараёнида ишлаб чиқилган комплекс ёндашув усуллариининг тадбиқ қилиниши яқин ва узоқ муддат функционал-органик асоратлар сонини камайтириши, шунингдек йўғон ичак микробиоценозининг тикланиш жараёнларини тезлатиши ва клиник-функционал бузилишлар регрессини жадаллаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларни хирургик даволаш усуллариини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: аганглионар соҳа давомийлигини инобатга олган ҳолда резекцион босқични амалга оширишдан кейин йўғон ичакнинг пастга тушувчи қисми ва атроф тузилмаларнинг тўғри чизик бўйлаб жойлашган ҳолда колоанал анастомоз шакллантириш фекал инконтиненция ривожланишининг асосий хавф омили эканлиги аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8н-р/1521-сон билан тасдиқланган «Болалар Гиршпрунг касаллигида колоанал анастомоз ўрнатиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 11.04.2022 йилдаги 6-сон, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.06.2022 йилдаги 11-сон ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 10.02.2022 йилдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/12-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: фекал инконтиненция ривожланишининг асосий хавф омилини бартараф қилиш Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги функционал-органик асоратларини

камайтиришга, шунингдек уларнинг хаёт сифатини яхшилашга имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволашдан кейинги асоратлар сони ҳамда шифохонада ётиш кунлари (7 кунгача) қисқариши ҳисобига бир бемор учун дори-дармон харажатларидан (ўртача 105 000) 735 000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: ушбу илмий янгиликни даволаш стандартларига киритиш дори-дармон харажатларига тадқиқот кўлами бўйича (n=38) 57 800 000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: тўғри ичак шиллик қавати тишсимон чизиғидан қўйида, анал тешикка яқин жойда айланма кесма ўтказиш ва тери-шиллик қаватли колоанал анастомоз қўйиш репаратив жараёнларни тўлиқ визуал назорат қилиш имкониятларини яхшилаши ҳамда анал каналнинг чандиқли стенози шаклланиш хавфини камайтириши исботланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8н-р/1521-сон билан тасдиқланган «Болалар Гиршпрунг касаллигида колоанал анастомоз ўрнатиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 11.04.2022 йилдаги 6-сон, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.06.2022 йилдаги 11-сон ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 10.02.2022 йилдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/12-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: анал каналнинг чандиқли стенози шаклланиш хавфини камайтириш Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги функционал-органик асоратларини камайтиришга, шунингдек уларнинг хаёт сифатини яхшилашга имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Болаларда Гиршпрунг касаллигини хирургик даволашдан кейин анал каналнинг чандиқли стенози частотаси ҳамда шифохонада ётиш кунлари (7 кунгача) қисқариши ҳисобига бир бемор учун дори-дармон харажатларидан 735 000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: ушбу илмий янгиликни даволаш стандартларига киритиш дори-дармон харажатларига тадқиқот кўлами бўйича (n=38) 57 800 000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

учинчи илмий янгилик: болаларда Гиршпрунг касаллигида йўғон ичакни De La Torre-Ortega бўйича трансанал резекция қилишнинг ичак таркибини қисмлаб ўтказиш ва резервуар функцияни таъминлаш учун анастомозланувчи чамбар ичак эркин қисми ва колоанал анастомоз шакллантириш соҳаси топографиясини ўзгартириш билан тавсифланувчи усули такомиллаштирилганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8н-р/1521-сон билан тасдиқланган «Болалар Гиршпрунг касаллигида колоанал анастомоз ўрнатиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 11.04.2022 йилдаги 6-сон, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт

марказининг 20.06.2022 йилдаги 11-сон ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 10.02.2022 йилдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/12-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: De La Torre-Ortega операциясининг техник жихатларини такомиллаштириш операциядан кейинги яқин ва узоқ муддатларда болалар ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичларини (PedsQL ни шкаласи бўйича) 70,8% дан 92,3% гача яхшилаш, асоратланиш даражасини 63,8% дан 31,6% гача камайтириш имконини берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларда De La Torre-Ortega бўйича такомиллаштирилган усулнинг қўлланилиши операциядан кейинги яқин муддат кечишини баҳоловчи барча асосий кўрсаткичларни (оғриқсизлантириш давомийлиги, перистальтиканинг тикланиши, энтерал озиклантириш ва беморларни фаоллаштиришни бошлаш муддатлари) яхшилаши, шунингдек умумий асоратланиш даражасини 63,8% дан 31,6% гача камайтириши, шу билан бирга, госпитализация муддатларини  $22,1 \pm 3,2$  дан  $15,1 \pm 5,2$  суткагача қисқартириши ҳисобига бир бемор учун (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари прејскурантига кўра 1 кунлик ётоқ учун тўлов 345 000 сўм бюджет маблағлари сарфланади) 2415000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этиш ўрин-кунлар камайиши ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича ( $n=38$ ) 13 110 000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак микробиоценозининг тузилмавий ва миқдорий хусусиятлари (чуқурлашган дисбактериоз) ҳамда уларнинг комплекс консерватив биотерапия фонида ташрихдан кейинги реабилитация жараёнидаги динамик ўзгаришлари (пробиотикларни қўллаш фонида 4-6 ҳафтада дисбактериознинг йўқолиши) аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8н-р/1521-сон билан тасдиқланган «Болалар Гиршпрунг касаллигида колоанал анастомоз ўрнатиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 11.04.2022 йилдаги 6-сон, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.06.2022 йилдаги 11-сон ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 10.02.2022 йилдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/12-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда операциядан кейинги комплекс реабилитация дастурида пробиотикларнинг қўлланилиши йўғон ичак микробиоценозининг тикланиш жараёнларини тезлатишга ва клиник-функционал бузилишлар регрессига замин яратишга имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Гиршпрунг касаллиги аниқланган болаларда йўғон ичак микробиоценозининг тузилмавий ва миқдорий хусусиятларини инобатга олган ҳолда комплекс

консерватив биотерапия ўтказиш ҳисобига бир бемор учун 2415000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: ушбу илмий янгиликни амалиётга жорий этиш ўрин-кунлар камайиши ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=38) 13 110 000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

бешинчи илмий янгилик: Гиршпрунг касаллигида турли усулларда бажарилган йўғон ичак трансанал резекциясидан кейин олинган кўрсаткичларни соғлом болаларга нисбатан ўсиб бориш даражаси ва интенсивлигини инобатга олган ҳолда ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ўзгариш (барча шкалалар бўйича кўрсаткичларнинг ишончли ортиши) хусусиятлари ва клиник-функционал (оғриқсизлантириш давомийлиги, перистальтикани тикланиши, энтерал овқатланишни бошлаш ва беморлар фаоллашиш муддатлари) жиҳатлари аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2022 йил 16 декабрда 8н-р/1521-сон билан тасдиқланган «Болалар Гиршпрунг касаллигида колоанал анастомоз ўрнатиш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 11.04.2022 йилдаги 6-сон, Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 20.06.2022 йилдаги 11-сон ҳамда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 10.02.2022 йилдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 15 июлдаги 03/12-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: операциядан бир йилдан кейинги даврда функция бажариш даражасини баҳолашнинг барча шкалалари бўйича Гиршпрунг касаллиги аниқланган болалар ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашга имкон берган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: илмий янгиликларни жорий этиш натижасида дори-дармон харажатлари ҳамда шифохонада ётиш кунлари (7 кунгача) қисқариши ҳисобига бир бемор учун дори-дармон харажатларидан 735 000 сўм, ётоқ кунлари қисқаришидан 2415000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: ушбу илмий янгиликни даволаш стандартларига киритиш тадқиқот кўлами бўйича (n=38) 119 700 000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда Гиршпрунг касаллигининг этиопатогенези, диагностикаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ГК диагностикаси ва даволаш бўйча тарихий маълумотлар, унинг тарқалиши, этиопатогенези ва таснифи, шунингдек даволаш-диагностика тактикасида замонавий ёндошувлар, хирургик даволаш усулини танлашдги нуқтаи-назарлар эволюцияси ва мунозарали жиҳатлари ҳамда хирургик даволашдан кейинги реабилитация тамойиллари ва ҳаёт сифатини баҳолаш масалалари баён қилинган. ГК да операциядан кейинги асоратлар профилактикаси, шунингдек хирургик даволаш истиқболлари бўйича илмий маълумотлар чуқур таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ечимини топиши лозим бўлган долзарб масалалар ўрганилган, адабиётлар таҳлиliga кўра бу муаммо бўйича ечилмаган вазифалар белгиланган.


Диссертациянинг «**Беморлар ва қўлланилган тадқиқот усуллари**нинг **клиник тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида объектлар ва ўтказилган тадқиқот усуллари ёритилган. 2006-2020 йиллар мобайнида АВБКТТМ да Гиршпрунг касаллигининг турли шакллари билан жами 4 ойликдан 18 ёшгача бўлган 118 нафар болаларда операция ўтказилган. такомиллаштирилган De La Torre-Ortega операцияси самарадорлигини баҳолаш бўйича қўйилган вазифаларни инобатга олган ҳолда тадқиқотга фақатгина 2 ёшдан катта болалар киритилган. Истисно мезонларига кўра тадқиқотга жами 85 нафар болалар киритилган бўлиб, улар икки гуруҳга бўлиб ўрганилган (1-расм.).



**1-расм. Болаларнинг жинси ва ёшига кўра тақсимланиши**

Асосий гуруҳни De La Torre-Ortega такомиллаштирилган усулида ташриҳ қилинган 38 нафар бола ташкил қилган, шунингдек ташриҳдан кейинги реабилитация дастурига йўғон ичак микробиоценозининг ўзига хос ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда пробиотиклар билан даволаш киритилган. Назорат гуруҳига Соаве-Ленюшкиннинг анъанавий усули бўйича йўғон ичак трансанал резекцияси ўтказилган 47 нафар болалар киритилган, реабилитация дастурига физио- ва даволаш терапиясига стандарт ёндашувлар киритилган.

Рентгенологик текширув маълумотларига кўра, болаларнинг катта қисмида ГК нинг ректосигмоид шакли учраган бўлиб, у асосий гуруҳда 68,4% ни, назорат гуруҳида 66,0% ни ташкил қилган. ГК нинг ректосигмоид ва ректал шакллари ўртасидаги нисбат ҳар икки гуруҳларда 2:1 ни ташкил қилган. ГК билан ҳасталанган беморларда клиник кўриниш таҳлили ва касаллик кечиш босқичларига мос тарзда болаларни гуруҳларга ажратилди. ГК босқичлари бўйича болаларни тақсимлашда ҳар иккала гуруҳда ҳам субкомпенсацияланган шакл устунлик қилган. ГК нинг субкомпенсацияланган шакли асосий гуруҳда 63,2%, қиёслаш гуруҳида 66,0% ҳолатда кузатилган (2-расм).



**2-расм. Гиршпрунг касаллигининг клиник шакли ва босқичига кўра беморлар тақсимоти**

Шундай қилиб, ҳар икки тадқиқот гуруҳларида болалар ёши 2 ёшдан 18 ёшгача бўлди. Таъкидлаш жоизки, беморларнинг кўпчилигини асосий гуруҳда мактаб ёшидаги болалар (4-7 ёш) 50,0% ни ва эрта ёшли болалар (2-3 ёш) 36,8% ни ташкил қилган бўлса, қиёслаш гуруҳида мактаб ёшидаги болаларнинг (4-7 ёш) 46,8% ва эрта ёшли болаларнинг (2-3 ёш) 36,2% да учраган. Барча ёш гуруҳларида ўғил болалар устунликка эга бўлиб, асосий гуруҳда 76,3%, қиёслаш гуруҳида 70,2% ни ташкил қилди, қизлар эса асосий гуруҳнинг 23,7% ни, қиёслаш гуруҳининг 29,8% ни ташкил қилганлар. Тадқиқотимизда ўғил ва қиз болалар нисбати 2:1 га тенг бўлди.

Умумий қабул қилинган текширув усулларида ташқари, анал канал ва тўғри ичакнинг исталган соҳасидаги босимни аниқлаш, шунингдек анал каналнинг аниқ узунлигини аниқ ўлчаш мақсадида икки марталик контрастли ирригография, аноректал монометрия ва узлуксиз профилометрия каби махсус

усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, тўғри ичак ва унинг сфинктер аппарати орасидаги нейрорефлектор мутаносибликни, нажас массаларини ушлаб туриш ва бўшатишнинг муҳим лаҳзаларини ақс эттирувчи ректоанал рефлюкс ҳам ўрганилди. Ичак микробиоценози ҳолатини ўрганиш учун бактериоскопик ва бактериологик усуллардан фойдаланиб фекал массаларнинг микробиологик текшируви ўтказилди. Дисбактериоз даражаси микроорганизмлар турлари миқдорининг ўзгаришига қараб белгиланди.

ГК бўлган болаларнинг ҳаёт сифати сўровнома ўтказиш асосида баҳоланди. Болалар ва уларнинг ота-оналари ўзбек тилига таржима қилинган, 21 та саволлардан иборат PedsQL™4.0 сўровномасини (ота-оналар ва болалар учун) тўлдирдилар. Саволлар қуйидагиларни ўз ичига олган: физик функцияланиш (ФФ) - 8 савол; эмоционал функцияланиш (ЭФ) - 5 та савол; ижтимоий функцияланиш (ИФ) - 5 та савол; ролли функцияланиш (РФ) – болалар боғчасида функцияланиш (ББФ) ёки мактабдаги функцияланиш (МФ) - 3 та савол (болаларнинг ёшига боғлиқ равишда). Сўровнома операциягача ва операциядан бир йил ўтиб ўтказилди. Тадқиқотга жалб қилинганлар сонининг озлигини инобатга олиб, турли ёш учун белгиланган сўровнома натижалари умумлаштирилди, мос равишда ота-оналар жавоблари ҳам жамланди. Қиёсий баҳолаш учун шунингдек 15 нафар соғлом болаларда ҳам сўровнома ўтказилди.


Олинган рақамли маълумотларга фарқланишлар ишончилигини (Стьюдент мезони) ҳисоблаш, ўртача квадратик оғиш ва ўртача ўлчам хатоликларини аниқлаш орқали статистик ишлов берилди. Ўртача катталиклар таққосланишидан олинган ўлчамларнинг статистик аҳамияти меъёрий тақсимланиш (эксцесс мезони бўйича) ва жами дисперсиялар тенглиги (Фишер мезони) текширилганда хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш орыали Стьюдент мезони бўйича аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида  $P < 0,05$  ишонарлилик даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Гиршпрунг касаллиги бўлган болаларда хирургик даволаш натижаларини яхшилаш йўллари**» деб номланган учинчи бобида ГК бўлган болаларни хирургик даволашда De la Torre-Ortega операциясининг техник жихатларини такомиллаштиришга асосан ишлаб чиқилган муаллифлик усули ақс эттирилган (Ихтиро патенти № IAP 07335. 14.03.2023 й.). Трансанал колоанал анастомознинг муаллифлик усулини яратишга ГК ни стандарт усулда De la Torre-Ortega бўйича хирургик даволаш тажрибасининг мавжудлиги, операциядан кейинги яқин муддатларда фекал инконтиненцияни олдини олувчи техник амалиётларнинг қўлланилиши, хирургик асоратланиш ва ҳаёт сифати мезонларига кўра эрта ва узоқ муддат натижаларнинг олиниши туртки бўлиб ҳисобланди. Мазкур бобда ГК бўлган болаларда такомиллаштирилган операция усулининг фарқланувчи белгилари батафсил баён қилинган.

De la Torre-Ortega бўйича анъанавий операция усулида тўғри ичак трансанал мукозэктомияси учун илк қадам сифатида анал каналнинг очилиши ва тўғри ичак тишсимон чизиғидан 1 см юқорида айланма кесма ўтказиш ҳисобланади. Таклиф қилинаётган муаллифлик усулида анастомоз ўрнатишнинг фарқли томони шундаки, у тўғри ичак шиллиқ қавати тишсимон чизиғидан қуйида, анал


тешикка яқин жойда айланма кесма ўтказиш ва тери-шиллик қават колоанал анастмози шакллантиришни ўз ичига олади (3-расм).

Кейинги босқичда нормоганглиоз ичакни тушириш учун мушак манжетаси тайёрланади. Мукозэктомия тугалланган жойнинг ўзидан периректал тўқимага кириш учун тўғри мушакда тўлиқ кесма ўтказилади. Мушакли манжетани ажратиш учун периректал тўқима ва тўғри ичакнинг силлик мушак толалари ажратилади. Мушак манжетаси ажралиши билан тўғри ичак қуйига тортилади, периректал тўқималар осон ажралади, ичак тутқич қон томирлари кесилади, бойланади ва ажартилган йўғон ичак пастга туширилади.



**3-расм. Тўғри ичак трансанал мукозэктомиясининг таққослама тасвири**

Бизнингча, мана шу босқичда сигмасимон ичакнинг ҳам туширилиши ҳамда аганглионар соҳа масофасига кўра маълум қисмининг олиб ташланиши туфайли анатомик тузилмаларнинг бузилиши юз беради, хусусан, йўғон ичакнинг туширилувчи қисми тўғри чизик бўйлаб жойлашади, резервуар сифатида зарур бўлган сигмасимон ичакнинг физиологик эгрилиги йўқолади (4А - расм).



**4-расм. Йўғон ичак мобилизацияси ва резекцияси, резервуар хосил қилишнинг прототипга нисбатан таққослама тасвири**

Фикримизча, туширилувчи чамбар ичак ва атроф-тўқималарнинг бу тарзда топографик жойлашуви операциядан кейинги эрта даврда фекал

инконтиненциянинг сабаби бўлиши мумкин. Таклиф қилинаётган муаллифлик усулининг бу босқидаги фарқли томони шундаки, йўғон ичак мобилизация қилинган, тортилишсиз ажратилади, мобилизацияланган ичакдан захира қолдирилиб, мўлжалланаётган анастомоз чизигидан бирмунча куйроқ туширилади. Кейин эса туширилган қисм мўлжалланаётган анастомоз чизигига анал каналга қайта киритилади. Анал тешиқдан 3 см юқорида ичак деворига тўрт томондан серозмушак чоклари ўрнатилади ва футлярнинг атроф тўқималарига фиксация қилинади, бу эса ичакнинг харакатсизлигини таъминлайди. Чамбар ичакнинг чок чизигидан юқоридаги эркин қисми эса резервуар хосил қилиб “гофра” шаклига киради ва, ўз навбатида, ичак таркибини қисмлаб ўтказишни таъминлайди ва операциядан кейинги эрта даврда фекал инконтиненциянинг олдини олади. Кейин анал тешиқдан 0,5 см юқорида тери-шиллик қаватда колоанал анастомоз шакллантирилади (4Б-расм).

Шундай қилиб, ГК ни хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган усули Де Ла Торре-Ортега операциясининг техник жihatларини такомиллаштиришга асосланган бўлиб, мобилизацияланган йўғон ичакни анал тешиқдан 3 см юқорида фиксациялаш, футляр хосил қилиш ва сероз-мушак чоклар қўйиш орқали колоанал анастомозни мустахкамлаш, шу билан ичакнинг харакатсизлигини таъминлаш, анал тешиқдан 0,5 см юқорида тери-шиллик чокларини қўйиш ва анастомоз шакллантиришни ўз ичига олади.

Мазкур бобда шунингдек ичак моторикасини бошқаришда тчак микробиотасининг тадқиқот натижалари ва ичак транзити тезлигини бошқаришда пробиотикларни қўллашнинг имкониятлари келтирилган. Ўрганиш учун материал сифатида ГК бўлган 25 нафар беморлар ичак микрофлорасининг лаборатор текширувлари хизмат қилди. Асосий гуруҳ иккита – А (операциядан кейин пробиотик қабул қилганлар) ва Б (операциядан кейин пробиотик қабул қилмаганлар) гуруҳларга бўлинди. Шунингдек, 15 нафар соғлом болалардан олинган материаллар ҳам ўрганилди (назорат гуруҳи). Тадқиқот гуруҳларидаги болаларда микробиота балансининг бузилиши сезиларли фарқланишга эга бўлди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўрганилаётган гуруҳларда операциядан аввал ва кейин микробиоценоз даражасининг бузилиши

Гуруҳлар	Даража Операция босқичлари	Дисбактериоз I		Дисбактериоз II		Дисбактериоз III	
		Олдин	Кейин	Олдин	Кейин	Олдин	Кейин
Асосий гуруҳ (n=25)	А гуруҳ (n=12)	-	8 (66,6%)	7 (28,0%)	4 (33,3%)	18 (72,0%)	-
	Б гуруҳ (n=13)	-	-	-	9 (69,0%)	-	4 (31,0%)
Назорат гуруҳи (n=15)		-	9 (60,0%)	6 (40,0%)	6 (40,0%)	-	-

Асосий гуруҳда ич келишининг бузилиши, нажас тута олмаслик, метеоризм, иштаҳасизлик, интоксикация, беғоллик, ланжлик, энтероколит ривожланиши ва ҳ. каби дисбактериознинг клиник симптомлари яққол намоён бўлди. А кичик гуруҳда ташриҳдан кейин комплекс даволаш ва энтероколитнинг олдини олиш учун таркибида Bifidobacteria, Lactobacilli ва Enterococcus бўлган перорал пробиотиклар қўлланилган. Пробиотиклар бир кунда 2-3 маҳал 5-10 дозада овқатдан олдин қабул қилинди, унинг дозаси ва давомийлиги (4-6 ҳафта) индивидуал танланди. Даволаш динамикасида метаоризмнинг камайиши, қабзият ёки диареяни бартараф бўлганлиги аниқланади, ичак санчиғи, интоксикация симптомлари камайди, енгил энтероколит ривожланиши камайди, ривожланган тақдирда эса энтероколитнинг енгил кечиши кузатилди. Б кичик гуруҳида пробиотиклар қўлланилмаган бўлиб, тикланиш жараёни секин ва сезиларсиз бўлди.

